

“Ер ресурсларини бошқариш” факультети профессор-ўқитувчилари тарғибот тадбирларида

2020 йил 14 ноябрь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Ер ресурсларини бошқариш” факультетининг кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилари томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун - моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Ўрта Чирчиқ туманидаги бириктирилган маҳаллаларда “Янги Ўзбекистон - янги дунёқараш” шиори остида маънавий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Ўрта Чирчиқ туманидаги 53-сонли мактабда Жалоир МФЙда истиқомат қилувчи аҳоли билан “Ердан фойдаланиш” кафедраси мудирлари, доцент А.Р.Бабажанов, ушбу кафедра профессори, и.ф.д. А. С. Алтиев, Ер ресурсларини бошқариш факультети декани Ш.К.Нарбаевлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда профессор А.Алтиев Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда олиб бораётган ислохотлар, аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Доцент А.Бабажанов мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор ва имтиёзлар, ёшлар сиёсати, баркамол ва интеллектуал авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида маъруза қилиб бердилар. Аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб берилди.



2020 йил 14 ноябрь куни соат 10.00 да Ўрта Чирчиқ туманидаги 16-сонли мактабда Роватак МФЙда истиқомат қилувчи аҳоли билан “Олий математика” кафедраси мудирлари ва ушбу кафедра профессор-ўқитувчилари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ф.Тўраев мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, таълим тизимини ривожлантириш соҳасидаги устувор вазифалар, айниқса кейинги йилларда мактабгача ва ўрта мактабларда ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, уларни “Янги Ўзбекистон”нинг келажаги учун тайёрлаш каби долзарб вазифалар ҳақида маъруза қилди. Учрашув аҳоли томонидан берилган савол-жавоблар билан қизиқарли ва мазмунли ўтди. 2020 йил 14 ноябрь куни соат 14.00 да Ўрта Чирчиқ туманидаги 53-сонли мактабда Хўжа Учқун МФЙда истиқомат қилувчи аҳоли билан “Давлат кадастрлари” кафедраси мудирлари, доцент Қ.Рахмонов, ушбу кафедра профессор-ўқитувчилари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.



Учрашувда доцент Қ.Рахмонов мамлакатимизда таълим соҳасида олиб бораётган ислохотлар, Президентимизнинг илм-фан ва таълимни ривожлантириш бўйича устувор вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Учрашувларнинг бадиий қисмида таклиф этилган санъаткорлар, мактаб ўқувчилари жамоаси томонидан тайёрланган қўшиқ, рақс ҳамда спорт ўйинлари намойиш қилинди. Тадбирлар қизиқарли ва мазмунли ўтди. Учрашувда маҳалла раислари, уч юзга яқин маҳаллий аҳоли ҳамда мактаб жамоалари фаол иштирок этиб, тадбирни юқори савияда ташкил этишга ва уни мазмунли ўтказилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати